

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК - МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338.436.33(575.123)**

СИРОЖИДДИНОВ КАМОЛИДДИН ИКРОМИДДИНОВИЧ

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ДИАГНОСТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 - «Агросаноат мажмуи иқтисодиёти»

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2012

Диссертация иши Наманган Давлат университетида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Вахабов Абдурахим Васиқович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Эгамбердиев Фармонқул Турсунқулович

иқтисод фанлари номзоди,
Муқимов Зариф Мажлисевич

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва**
сув хўжалиги вазирлиги

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 20__ йил «____» _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Х.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация иши билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 20 __ йил «____» _____ да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби, и.ф.д.

Ф.И.Мирзаев.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ислохотларни чуқурлаштириш шароитида иқтисодиётнинг барча тармоқларида хўжалик фаолиятини бошқаришга янгича ёндошиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Маълумки, аҳоли аксарият қисмининг фаолияти қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон шароитида аграр соҳанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни каттадир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва уни сифат жиҳатдан яхшилаш, иқтисодиётнинг самарали фаолиятини таъминлаш қишлоқ хўжалиги ривожланиш даражасига узвий боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида турли мулкчиликка асосланган мустақил фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектлари сони кўпайиб бормоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бормоқда»¹.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар бир ҳудуднинг ички салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалигида етакчи кучга айланган фермер хўжаликларининг ривожланиши билан боғлиқ ҳудудий муаммоларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Наманган вилояти республика иқтисодий маконида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш имкониятларини катталиги билан ажралиб туради. Таҳлиллар кўрсатишича аҳолининг аксарият қисми (86 фоиз) вилоят ҳудудининг 52 фоизида жойлашганлиги ва қишлоқ аҳолиси салмоғининг юқорилиги (70,1 фоиз), ташкилий-иқтисодий инфратузилмаларнинг заиф ривожланганлиги ва бошқа қатор омиллар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва унинг иқтисодий диагностикаси билан боғлиқ ҳудудлараро муаммоларни юзага келтирмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлашда иқтисодий диагностика алоҳида аҳамият касб этади². Фермер хўжаликларининг ҳудудлар бўйича иқтисодий диагностикаси қишлоқ хўжалиги ривожланишини микро- ва макродаражаларда тартибга солиш ва ривожлантиришдаги муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тутмоқда. Бу ҳолат республиканинг вилояти ва туманларида, уларнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва табиий ресурс имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликлари ривожланишининг иқтисодий диагностикасини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

Юқоридагиларидан келиб чиққан ҳолда, Наманган вилоятида барқарор

¹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 21-б.

² Касл Э., Бекер М., Нелсон А., Эффективное фермерское хозяйствование. - Москва, Агропромиздат, 1991. 121-132-с.

иқтисодий ўсишга эришиш учун мавжуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасини такомиллаштириш ва уни амалга ошириш иқтисодий механизми самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш танланган мавзунинг долзарблигини ифода этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда аграр соҳада иқтисодий диагностика масалаларининг амалиётини айрим жиҳатлари иқтисодчи олимлар – О.Абдуллаев, А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев, А.Ваҳобов, Ф.Эгамбердиев, Т.Иброҳимов, Ф.Назарова, И.Ҳусинов, О.Олимжонов, Б.Салимов, Б.Беркинов, М.Юсупов, М.Орипов, Н.Ўроқов, А.Содиқов, А.Пардаев, Ш.Зиёвиддинов, Қ.Ҳамдамовларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган³. Иқтисодий диагностиканинг назарий асослари ва айрим ҳудудларда жорий этишнинг амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчилар, Э.Альтман, А.Арутюнян, М.Бекер, Г.М.Винокуров, Ж.К.Ван Хорн, П.А.Левчаев, Э.Касл, П.Д.Камилова М.Н.Крейнина, А.Нелсон, Н.И.Оксанич, Р.С.Сайфуллин, А.Д.Шеремет ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган⁴. Айни вақтда, фермер хўжаликларининг ҳудудий ва ҳудуд ичи иқтисодий диагностикаси мамлакатимизда мустақил, махсус комплекс тарзда илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалар билан боғлиқлиги. Диссертация иши Наманган Давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Наманган вилоятида фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни

³ Абдуллаев О. Наманган вилояти (табиати, аҳолиси, хўжалиги). – Наманган: НамДУ, 1995. – 146 б; Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004, – 364 б; Ваҳобов А. В., Иброҳимов А. Т., Ишонқулов Н. Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 320 б; Назарова Ф. Ҳусинов И. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш (Хоразм вилояти мисолида)// Бозор, пул ва кредит, – Тошкент, 2007 йил, - №6, -Б. 54; Олимжонов О. Фермерлик фаолиятини ҳукукий ва молиявий асослари. – Т.: Университет, 2005, – 212 б; Салимов Б. Т., Ҳамдамов Қ. С., Беркинов Б. Б., Юсупов М. С., Орипов М. А., Ўроқов Н. И. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. – Тошкент: ТДИУ, 2004, – 192-б; Содиқов А. Ривожланиш рейтинги. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, – Тошкент, 2006 йил, - №5, -Б. 3; Пардаев М. Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Самарқанд: Зарафшон, 2001. – 241 б; Зиёвиддинов Ш. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004, - 144 б; Ҳамдамов. Қ. С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004, - 136 б.

⁴ Касл Э., Бекер М., Нелсон А., Эффективное фермерское хозяйство. – Москва: Агропромиздат, 1991. – 489 с; Altman, E. I.: Financial Ratios, Discriminant Analysis and the Prediction of Corporate Bankruptcy. *Journal of Finance*, September 1968, 589-609 pp; Ван Хорн Дж. Основы управления финансами. – Москва: Финансы и статистика, 1996. – 392 с; Арутюнян А. Б. Опыт применения моделей Фулмера и Спрингейта в оценке венгерских предприятий сельского хозяйства и пищевой промышленности. www.cfin.ru; Шеремет. А.Д., Сайфуллин Р.С. Методика финансового анализа. – Москва: Инфра-М, 1997. – 343 с; Крейнина. М. Н. Финансовая устойчивость предприятия: оценка и принятие решения. [http //www.dis.ru](http://www.dis.ru); Оксанич Н.И. Экономическая устойчивость сельскохозяйственных организаций. – Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва, 2007, – 43 с. www.vak.ed.gov.ru; Винокуров Г.М. Методология формирования экономического механизма развития сельскохозяйственного производства на основе коммерческого расчета. – Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Улан-Удэ, 2007, – 40 с. www.vak.ed.gov.ru; Камилова П.Д. Формы и методы государственной поддержки АПК региона в условиях многоукладной экономики. – Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Махачкала, 2007, – 43 с. www.vak.ed.gov.ru.

ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот ишида мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар қўйилган:

- фермер хўжаликларининг иқтисодий диагностикаси моҳиятини очиб бериш ва унга мустақил, такомиллашган муаллифлик тавсифини ишлаб чиқиш;

- фермер хўжаликлари иқтисодий диагностика бўйича жамланган илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва уни мамлакатимизда ижодий жиҳатдан тадбиқ этишга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасининг институционал-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тавсиялар тайёрлаш;

- минтақада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий диагностикани ретроспектив таҳлил қилиш ва ҳолатини баҳолаш;

- фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш самарадорлигини оширишда ахборот таъминотининг етакчи ўрин тутишини асослаш;

- минтақа учун фермер хўжаликларининг оптимал йириклаштириш заруриятини асослаш ва уни аниқлашга қаратилган амалий тавсиялар тайёрлаш;

- фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишида иқтисодий диагностика юритиш муаммоларини аниқлаш ва уни ҳал этишга қаратилган амалий тавсиялар тайёрлаш;

- инқироздан кейинги даврда фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасини такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети Наманган вилояти фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий фаолияти тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги иқтисодий диагностикасини ташкил этиш, юритиш ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими илмий тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, статистик гуруҳлаш, таққослаш, эксперт баҳолаш, иқтисодий таҳлил, фактлар таҳлили, монографик ўрганиш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Тадқиқот ишида Наманган вилояти фермер хўжаликларида иқтисодий диагностика юритиш зарурлиги ва устувор йўналишлари, минтақавий муаммоларини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар тизими асослаб берилган.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида минтақаларда иқтисодий диагностикани иқтисодий ривожланиш суръатларига мутаносиб равишда мунтазам такомиллаштириб бориш зарурияти илмий асосланди;

- минтақа фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасининг ҳолати баҳоланган ва унинг ҳудудий жиҳатлари аниқланди;

- минтақада фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасини такомиллаштиришнинг истиқболли интеграл кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

- минтақада фермер хўжаликлари ахборот-эмпирик базасини доимий бойитиб бориш асосида иқтисодий диагностикани такомиллаштириш механизмлари аниқланди.

Илмий янгилиги:

- фермер хўжаликларининг иқтисодий диагностикаси моҳияти очиб берилди ва унинг барқарор иқтисодий ривожланишни таъминловчи дастак эканлиги асосланди;

- иқтисодий ривожланган мамлакатлар фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикаси тажрибасини ўрганиш негизида унинг мамлакатимиз учун мақбул томонларидан фойдаланишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасининг мавжуд институционал-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрланди;

- минтақа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий диагностикаси ретроспектив таҳлил қилинди;

- фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикаси самарадорлигини оширишда ахборот таъминотининг етакчи ўрни аниқланган ва уни такомиллаштириб бориш ишлаб чиқариш жараёнларининг фаоллаштириш дастаги эканлиги асосланди;

- фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикани такомиллаштиришни устивор йўналишлари аниқланди;

- Наманган вилоятида аграр ресурсларнинг ички минтақавий тақсимланиши такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- Наманган вилоятининг ўзига хос табиий, ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ривожлантириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликлари молиявий-иқтисодий аҳволини баҳолаш, унинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этилишини иқтисодий механизми асосланди;

- минтақада фермер хўжаликларининг оптимал кўламларини статистик ва математик статистик таҳлил усуллари орқали молиявий-иқтисодий ҳолатни баҳолаш имкониятини берувчи интеграл кўрсаткич ва унинг миқдорий ўлчамлари ишлаб чиқилди;

- Наманган вилояти фермер хўжаликларини иқтисодий диагностикалаш билан боғлиқ илмий муаммолар аниқланди ва уни ҳал этишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, илмий ишда олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар келажакда фермер хўжаликларини иқтисодий диагностикасининг минтақавий муаммоларини назарий ва амалий жиҳатларини мустақил махсус, комплекс чуқур тадқиқ этишга бағишланган илмий ишларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишларининг амалий аҳамияти. Минтақада фермер хўжаликларини ривожлантириш ва самарали фаолиятини йўлга қўйиш, истиқболини белгилашга бағишланган давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда ва олий ўқув юртларида «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти», «Минтақавий иқтисодиёт» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотчининг минтақада фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги (2010 йил 18 декабрдаги 06/02-04-985-сонли далолатнома) ва Наманган вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (2012 йил 18 январ 1-сонли далолатнома) томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Тадқиқот натижалари Наманган муҳандислик-педагогика институтида «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» ва «Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш учун қабул қилинган (2010 йил 23 февралдаги далолатнома).

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқотнинг асосий ғоялари ва натижалари қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган: Глобаллашув шароитида ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши (Тошкент, 2007), Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях, (Москва, 2007), Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси муаммолари (Наманган, 2008), Барқарор иқтисодий ривожланиш: муаммо ва ечимлар (Андижон, 2008), Проблемы развития и трансформации предприятий: опыт России и зарубежных стран (Москва, 2008), Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва соҳада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари (Гулистон, 2008), Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари (Тошкент, 2009), Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда мустақил таълим: жаҳон таълим тизими тажрибаси ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги (Наманган 2010), Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи (Андижон 2011).

Диссертация иши Наманган Давлат университетининг бирлашган кафедралар мажлисида ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг мазмуни тўпламларда чоп этилган 10 та илмий мақола, илмий доклад тезисларида ифодаланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг матни 150 бетдан иборат бўлиб 6 расм, 26 жадвал ва 5 та илова келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг натижаси – фермер хўжаликларининг самарадорлигида яққол намоён бўлмоқда. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «... 2011 йили энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилгани балки ортиғи билан бажарилганини таъкидлаш ўринлидир»⁵.


Фермер хўжаликлари фаолиятининг табиий омиллар билан бевосита боғлиқлиги тадбиркорлик таваккалчилиги даражасини ошириб, хўжаликнинг барқарор ривожланишини таъминлашда иқтисодий диагностиканинг аҳамиятини оширади. Иқтисодий диагностика тушунчаси нисбатан янги тушунча бўлиб, иқтисодий адабиётда унинг аниқ таърифи берилмаган. Иқтисодчи олимлар томонидан устун даражада иқтисодий диагностика ёки молиявий диагностика атамалари қўлланиб келинади. Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисодий ёки молиявий диагностикани иқтисодчи олимларнинг айримлари иқтисодий ёки молиявий таҳлил билан бир ўринга қўйсалар, бошқалари бу тушунчаларнинг бир-биридан фарқланишини таъкидлайдилар. Жумладан, О.Грищенко, Л.Е.Басовский, А.М.Лунёва, А.Л.Басовский, Е.Н.Выборова, И.А.Либерманлар иқтисодий диагностика ва иқтисодий таҳлилни бир хил тушунча деб қарайдилар⁶. Айни пайтда, В.П.Савчук, Ш.А.Омаров, В.Г.Логинов, Е.М.Трененков, С.А.Дведенидовалар эса ушбу икки тушунчани бир-биридан фарқлаш зарур, деб ҳисоблайдилар⁷.

“Диагностика” атамаси грекчадан таржима қилинганда, белгиларни аниқлаш, тавсифларни билиш, ҳодисаларни уларни симптомлари орқали башоратлаш маъноларини беради. “Анализ” (таҳлил) атамаси эса бўлакларга бўлиш, тадқиқ этилаётган объектни алоҳида қисмларга ажратиб ўрганиш маъносида қўлланади. Фикримизча, иқтисодий диагностика хўжалик субъектининг бугунги кундаги иқтисодий ҳолатини аниқлаш билангина чекланиб қолмай, хўжаликнинг барқарор ривожланишидаги молиявий, иқтисодий ва бошқарувдаги муаммоларни аниқлаш, келгуси даврларда хўжалик дуч келиши мумкин бўлган иқтисодий муаммоларни башоратлашни ҳам ўз ичига олади (1- расм).

⁵ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётининг янги босқичга кўтарилган йил бўлади. Ўзбекистон 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазиirlар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январ.

⁶ Грищенко О.В. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия: Учебное пособие: Изд-во ТРТУ, 2000. 6-7 с. Басовский Л.Е., Лунёва А.М., Басовский А.Л. Финансовая диагностика предприятия и поддержка управленческих решений. www.vps@teleport.com. Выборова Е.Н. Диагностика финансовой устойчивости рынков хозяйствования. Аудитор. №12, 2002, 16-17 с. Либерман И.А. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности. ИНФРА-М, РИОР, 2005, 54-55 с. www.cfin.ru.

⁷ Савчук В.П. Финансовая диагностика предприятия и поддержка управленческих решений. www.cfin.ru. Омаров. Ш.А. Сущность экономической диагностики результатов деятельности предприятия. http://www.rusnauka.com/DNI_2006/Economics/10_omarov_tez_3.doc.htm. Логинов. Г.В. Матрица диагностики предприятия. // Менеджмент в России и зарубежом. -М: 2004.- №5, 45-47 с. Трененков Е.М., Дведенидова С.А. Диагностика в антикризисном управлении. /Менеджмент в России и зарубежом. -М: 2002. - №2, 23-24 с.



1-расм. Иқтисодий диагностика жараёни элементлари⁸

Фермер хўжаликларининг иқтисодий диагностикасини амалга оширишда қуйидаги тамойилларига риоя этилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Хўжаликнинг иқтисодий ҳолатига баҳо беришда ва ундаги мўлжалланаётган ўзгаришларни тахмин қилишда назарий ва амалий иқтисодий фаннинг фундаментал қоидалари талабларига оғишмай риоя қилиш, шу жумладан ўрганилаётган жараёнларнинг моҳияти ва бир-бирига ўзаро боғлиқлигини эътибордан четга қолдирмаслик.

2. Диагностиканинг комплекс характерга эга эканлиги ҳамда ўзаро бир-бирига узвий равишда боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизимининг қўлланиши.

3. Иқтисодий маълумотларни диагностика мақсадларида таҳлилий қайта ишлашда ўрганиладиган ҳодисаларни гуруҳлаштириш ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларни миқдор ва сифат белгиларига асосан туркумлаш.

4. Диагностика мақсадларида иқтисодий фаолиятни таҳлил қилишда таққослаш усулидан ички хўжалик резервларини асослаб бериш учун фойдаланиш.

5. Диагностика натижаларида хўжалик фаолиятига оид илғор тажрибадан кенг фойдаланишни назарда тутиш.

6. Иқтисодий диагностикани амалга оширишда ва хўжаликни бошқаришда ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳал қилувчи роли, уларнинг иқтисодий жараёнларни ўрганишда асосий ахборот манбаи эканлигига асосланиш.

Кенг маънода хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий барқарорлигини ташқи ва ички омиллар доимий ўзгаришлари шароитларида белгиланган мақсадларга эриша олиш қобилияти, тор маънода эса хўжалик юритувчи субъектнинг нормал фаолият юритиши учун зарур бўлган иқтисодий воситаларга эга эканлиги деб қараш мумкин.

Наманган вилоятининг ер майдони 7,44 минг кв.км. бўлсада, бунинг 48 фоизи деҳқончилик учун ноқулай ҳисобланади. Вилоятнинг географик ўрни сезиларли даражада унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига

⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

кулайликлар яратади. Агроиклимий омиллар эса Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ихтисослашувининг асоси ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги 1992-2009 йилларда вилоятдаги аҳоли сонининг ўсиши республика кўрсаткичларига нисбатан юқори суръатларда юз берди. 2010 йил маълумотларига кўра, Наманган вилоятида 2298,7 минг киши яшайди ва 70,1 фоизи қишлоқларга тўғри келади. Вилоят майдони республика ҳудудини 1,7 фоизини ташкил қилгани ҳолда бу ерда мамлакат аҳолисининг 8,0 фоизи истиқомат қилади. Бинобарин, вилоятда аҳоли зичлиги юқори бўлиб, ҳар бир кв. км.га деярли 309 киши тўғри келади.

Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодий ҳолатини ўрганишга доимо жиддий эътибор қаратилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий диагностикасининг ташкил этилишининг ретроспектив таҳлили⁹

Йўналишлар	Жамоа ва давлат хўжалиги	Ширкат хўжалиги	Фермер хўжалиги
1. Мақсади	Режа топшириқларини бажаришда юзага келган муаммоларни аниқлаш.	Давлат буюртмасининг тўла бажарилишига эришиш.	Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш.
2. Вазифалари	Режа топшириқларини бажариш давомидаги камчиликларни бартараф этиш.	Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти учун аҳамиятли маҳсулотлар ҳажмини ошириш.	Диагностика асосида аграр тармоқнинг кейинги истиқболларини белгилаш.
4. Кўрсаткичлари	Иқтисодий, иқтисодий-техник.	Иқтисодий, иқтисодий-техник.	Иқтисодий, иқтисодий-техник, молиявий, статистик.
5. Ахборот базаси	Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, молиявий ва статистик ҳисоботлар, хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган тезкор маълумотлар.	Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, молиявий ва статистик ҳисоботлар, хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган тезкор маълумотлар.	Хўжаликларнинг молиявий ва статистик ҳисоботлари
6. Методикаси	Иқтисодий ва статистик таҳлил	Иқтисодий ва статистик таҳлил	Молиявий-иқтисодий таҳлил
7. Манфаат доираси	Давлат	Давлат ва пайчилар	Давлат, мулкдор, инвестор, кредитор ва ҳамкорлар

1-жадвал маълумотлари, фермер хўжаликларининг иқтисодий диагностикаси ҳозирда иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши олға сураётган талабларга тобора кучлироқ асосланиши лозимлигини қайд этмоқда.


Бугунги кунда фермер хўжаликлари вилоят иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Аграр секторни ривожлантириш нафақат вилоятнинг балки мамлакатимизнинг кейинги тараққиёти билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Айнан шу йўналишда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард натижаси сифатида қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шакли сифатида юзага келган фермер хўжаликлари аграр тармоқда етакчи ўрин эгаллади. Қишлоқ хўжалигида олиб борилган изчил ислохотлар ва унинг натижалари хусусида республикамиз президенти қуйидагиларни таъкидлайди: “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер

⁹ Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалла харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодий тартиқнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда”¹⁰.

Фермер хўжаликлари фаолияти иқтисодий диагностикаси масалаларини тадқиқ этишда ички ахборот базасини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда бундай тизим мавжуд бўлиб, фермер хўжаликларида уни шартли равишда 3 блокка бўлиш мумкин:

- статистик ҳисоботларда жамланган ахборот;
- молиявий ҳисоботларда жамланган ахборот;
- бухгалтерия ҳисоби таҳлилий ҳисоблари, хўжаликдаги тезкор ҳисоб юритиш ҳужжатлари, тезкор режалаштириш мақсадларида йиғиб бориладиган ахборот (2-расм).



2-расм. Фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикаси ахборот базасининг таркиби¹¹

Вилоятда мавжуд фермер хўжаликларининг аксарияти давлат буюртмаси асосида пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланади. Аграр секторнинг мавсумий характердалиги сабабли фермер хўжаликлари йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириб уни сотганидан сўнггина пул маблағларига эга бўлади. Шу сабабли молиявий-хўжалик фаолияти давомида фермер хўжаликларининг банклардагини жорий ҳисобида пул маблағлари доимий равишда мавжуд бўлмайди. Масалан,

¹⁰ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз таракқиётини юксалтириш, халқмиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 21-б.

¹¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ғалла ҳосили учун банк бўлимларига тушириб берилган маблағларнинг деярли барчаси фермер хўжаликлари томонидан солиқ, минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлар, МТП ва ММТП хизматларидан юзага келган қарздорликлар учун йўналтирилади. Пахта ҳосили учун пахтани қайта ишлаш корхоналари томонидан юзага келган қарздорликлар эса одатда кейинги йилдагина одатда тўлиқ ҳисоб-китоб қилинади. Юқорида, кўрсатилган сабабларга кўра фермер хўжаликлари бухгалтерия балансининг пул маблағлари акс этувчи моддалари аксарият ҳолларда бўш қолади. Хўжаликларининг кўпчилиги нақд пул тушумига ҳамда ўз кассасига эга эмас, фермер хўжаликлари банк бўлимларидан йирик миқдордаги пул маблағларини фақатгина пахта йиғим терими мавсумидагина оладилар, шу боис фермер хўжаликларининг салмоқли қисмида 330-«Кассадаги пул маблағлари» моддасида маълумотлар йўқ (2-жадвал).

2-жадвал.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия балансининг таркибий тузилиши (2009 йил)¹²
(фоиз ҳисобида)

Баланс моддалари	Косонсой тумани	Наманган тумани	Мингбулоқ тумани	Поп тумани	Жами кузатилган фермер хўжаликлари бўйича
Актив	100	100	100	100	100
Узоқ муддатли активлар	51,8	38,9	6,3	42,6	39,6
Шу жумладан асосий воситалар	50,7	38,9	2,6	42,6	38,7
Жорий активлар	48,2	61,1	63,7	57,4	60,4
Шу жумладан:					
Товар моддий заҳиралари	19,0	20,4	13,4	28,2	19,7
Пул маблағлари	1,0	2,1	0,6	0,7	1,3
Дебиторлик қарзлари	24,8	39,9	69,5	28,4	35,9
Келгуси давр харажатлари	3,3	1,8	9,9	0,0	3,4
Пассив	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Ўз маблағлари манбаи	20,7	67,8	21,7	-9,9	33,1
Шу жумладан					
Устав капитали	0,8	15,8	0,5	1,1	5,8
Таксимланмаган фойда	12,0	50,3	26,4	-11,0	24,4
Мажбуриятлар	79,3	32,3	78,3	109,8	66,9
Узоқ муддатли мажбуриятлар	36,7	8,0	8,2	6,2	19,3
Жорий мажбуриятлар	42,6	24,2	70,1	103,6	47,6
Шундан бюджетга қарзлар	8,6	4,0	6,9	1,0	5,9

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "... фаолият юритаётган аксарият фермер хўжаликларининг иш тажрибаси шундан

¹² Жадвал муаллиф томонидан Наманган туманидан 10 та, Косонсой туманидан 23 та, Мингбулоқ туманидан 18 та ва Поп туманидан 9 та фермер хўжаликларининг 1-шакл "Бухгалтерия баланси" маълумотлари асосида тузилди.

далолат берадики, фермер хўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига кўп жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда. Имконияти, куч-қуввати кам бўлган фермер хўжаликлари ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит қобилятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз харажатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосига айланолмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда”¹³ деб таъкидлаб ўтдилар.

Фермер хўжаликларининг кўлами уларда ишлаб чиқариш самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатади. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш кўламларининг самарадорлик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш учун Косонсой туманидаги фермер хўжаликларидан ташкил топган хўжаликлар тўплами бўйича таҳлилий гуруҳлашга ўтказилди. 1-гуруҳга экин майдонлари 30 гектаргача бўлган, 2-гуруҳга – 31 гектардан 60 гектаргача бўлган ва 3-гуруҳга – 31 гектардан 60 гектаргача бўлган хўжаликлар киритилди (3- жадвал).

3-жадвал.

Косонсой тумани фермер хўжаликлари гуруҳидаги хўжаликларнинг экин майдонлари ҳажми бўйича гуруҳланиши¹⁴

Гуруҳлар	Хўжаликлар сони	Бир хўжаликка ўртача ер майдони, га	1 гектарга ҳисоблаганда, минг сўм					
			Ялпи тушум	Жами харажат	Фойда	Узоқ муддатли актив	Устав капитали	Қишлоқ хўжалиги техникаси қиймати
0-30 гектар	7	16,3	837,3	699,8	132,7	127,3	411,7	395,6
31-60 гектар	13	45,3	985,2	743,2	166,7	215,5	350,4	409,8
61 гектар ва ундан юқори	5	106,3	853,1	677,3	34,4	52,9	71,0	256,4
Тўплам бўйича жами	24	914,6	914,6	706,7	106,6	137,3	231,7	342,4

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биринчи гуруҳга мансуб фермер хўжаликларида ўртача ер майдони 16,3 гектарни, иккинчи гуруҳда 45,3 гектарни ва 3-гуруҳда 106,3 гектарни ташкил этмоқда. Иқтисодий кўрсаткичлар бошқа гуруҳларга нисбатан иккинчи гуруҳ

¹³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 14-б.

¹⁴ Жадвал Косонсой туманида фермерлардан ўтказилган анкета сўровлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

хўжаликларида сезиларли даражада яхшироқ эканлигини қайд этишимиз лозим Чунончи, 1 гектарга ялпи тушум даражаси иккинчи гуруҳдагидан 148 минг сўмга, учинчи гуруҳдагидан 132 минг сўмга юқорироқ. Фойда кўрсаткичи ҳам жиддий фарқ қилмоқда. Иккинчи гуруҳ хўжаликлари узок муддатли активлар ва ўз техникаси билан юқорироқ таъминланган. Демак, бу гуруҳда хўжалик юритишнинг иқтисодий имкониятлари юқорироқ деб баҳолаш мумкин. Ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичларга асосланган ҳолда ҳозирда Наманган вилояти шароитларида фермер хўжаликларининг оптимал ҳажми 40-60 гектардан иборат эканлиги ҳақида ҳулосага келиш мумкин. Фикримизча, бундай ҳулосанинг замирида фермерлик билан шуғулланувчи мулкдорлар ихтиёридаги капиталнинг миқдори уларнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш борасидаги кўникмалари, ресурслари таъминоти ҳозирги даражасида агротехник тадбирларни ўз вақтида олиб бориш имкониятлари ётади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ривожланишидаги муаммолар тўғрисида тўхталиб, иқтисод фанлари доктори А. Хаитов ширкат хўжаликлари иқтисодий ҳолатига салбий таъсир этувчи омилларни шартли равишда уч гуруҳга ажратган¹⁵. Фикримизча, ушбу омиллар фермер хўжаликларини ривожланиши учун ҳам аҳамиятга эга.

1-гуруҳ омиллар экин ҳосилдорлигининг пастлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлиги ва механизация воситаларининг етишмаслиги билан боғлиқ. 2-гуруҳ омиллар қишлоқ хўжалигида молиялаштириш механизми билан боғлиқ. 3-гуруҳ омиллар бошқарув тизими, менежментнинг заиф эканлиги, хўжаликлар фаолиятига маҳаллий ҳокимияти органларининг кучли аралашувида ифодаланади¹⁶.

Мутахассисларнинг фермер хўжаликлар иқтисодий ҳолатига таъсир этувчи омиллар бўйича қарашларини аниқлаш мақсадида улар ўртасида анкета сўрови ўтказилди. Анкетада фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи 13 та омиллар (кўрсаткичлар) танлаб олиниб, респондентларга бу омилларни таъсир кучи бўйича тартиблаштириб чиқиш таклиф этилди, яъни энг кучли таъсир этувчи омилга 13 балл берилса, энг кам таъсир этади деб ҳисобланувчи омилга 1 балл берилади. Сўров натижалари 4-жадвалда ифодаланган.

4-жадвалдан кўриниб турибдики, энг юқори балл асосий воситалар қийматига берилган – 7,6 энг паст балл эса ишчилар сони кўрсаткичига – 5,2. Баҳоларнинг ўртача даражалари ўртасидаги тафовутлар кам эканлигига қарамадан асосий воситалар қиймати, жами активлар қиймати, ўз капитали ва жами мажбуриятлар кўрсаткичлари устун қўйилганлигини қайд этиш мумкин. Юқорида келтирилган кўрсаткичларда асосан фермер хўжалик юритишнинг ички шарт-шароитларини акс этади. Демак, мутахассислар томонидан Наманган вилоятида фермер хўжаликларидаги ички омиллар ҳеч

¹⁵ Хаитов А. Иқтисодий ночорлик ва молиявий барқарорлик. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2004 йил, 6-сон, 3-4-б.

¹⁶ Хаитов А. Иқтисодий ночорлик ва молиявий барқарорлик. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2004 йил, 6-сон, 3-4-б.

бирининг алоҳида равишда устун туриши қайд этилмаяпти. Чунончи, вилоят кишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси юқори бўлсада, шу омилнинг таъсири ҳам жуда паст баҳоланаётганлиги йўқ.

4-жадвал.


Фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи омилларнинг респондентлар томонидан баҳоланиши¹⁷

№	Омиллар	Ўртача
1.	Ишчилар сони	5,2
2.	Ер майдони	6,0
3.	Жорий мажбуриятлар	6,7
4.	Тақсимланмаган фойда	6,7
5.	Ҳисобот йили фойдаси	7,0
6.	Муддати ўтган мажбуриятлар	7,2
7.	Ялпи тушум	7,2
8.	Айланма маблағлар қиймати	7,4
9.	Устав капитали	7,5
10.	Жами мажбуриятлар	7,5
11.	Ўз капитали	7,5
12.	Жами активлар қиймати	7,6
13.	Асосий воситалар қиймати	7,6

Наманган вилояти ҳудудининг геологик тузилиши анча мураккаб бўлиб, вертикал минтақалилик (текислик-тоғ) яққол кўзга ташланиб туради. Ер юзаси шимолдан жанубга ва ғарбдан шарққа томон пасайиб боради. Поп туманидан Уйчи туманининг шарқий ҳудудларига қадар адир-тоғлар бир-бири билан алмашиб бўз тупроқли ерлардан иборат. Вилоят ҳудудининг 60 фоизида суғорма деҳқончилик ривожланган. Суғорма деҳқончиликда интенсив равишда ўзлаштирилган адирлар минтақаси – Поп, Чуст, Тўрақўрғон (шимолий ҳудудларида), Косонсой туманлари алоҳида ўринда туради. Вилоят аҳолиси 2011 йил 1 январ ҳолатига 2298,7 минг кишини ташкил қилади. Вилоят ҳудудини географик жойлашуви, агроиклимий шароитлари, демографик кўрсаткичлари, иқтисодий ривожланиши ва кишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий-иқтисодий аҳволи бўйича иқтисодий диагностика нуқтаи назаридан 6 та агрозонага бўлиш мумкин:

1. Шимолий агрозона – Косонсой тумани;
2. Шимоли-ғарбий агрозона – Поп, Чуст туманлари;
3. Шимоли-шарқий агрозона – Янгиқўрғон, Чортоқ туманлари;
4. Марказий агрозона – Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон туманлари;
5. Шарқий агрозона – Учқўрғон, Норин туманлари;
6. Жанубий агрозона – Мингбулоқ тумани (3-расм)

¹⁷ Жадвал анкета сўровлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



3-расм. Наманган вилоятида фермер хўжаликларининг агрозоналар бўйича тақсимланиши¹⁸

Республикамизнинг барча ҳудудларидаги каби Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида ҳам фермер хўжаликлари етакчи ўрин эгалламоқда. Аграр тармоқда фаолият юритувчи қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини ошириш мақсади фермер хўжаликлари ер майдонлари оптималлаштириш юзасидан олиб борилган тадбирлар натижасида, 2011 йил 1 январь ҳолатига Наманган вилоятида жами бўлиб 6245 фермер хўжаликлари фаолият юритиб келмоқда. Фермер хўжаликларининг асосий қисми вилоят туманларида ташкил этилган. Вилоят агрозоналарида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг деярли ярми шимоли-ғарбий ва марказий агрозона фермер хўжаликлари ҳиссага тўғри келади. Шимоли-шарқий агрозона сифатида тавсифланаётган Янгиқўрғон ва Чортоқ туманларида 1163 та фермер хўжаликлари, яъни вилоятдаги фермер хўжаликларининг 18,6 фоизи жойлашган. Қолган агрозоналарда мавжуд фермер хўжаликларининг сони юқоридаги агрозоналарга нисбатан камчиликни ташкил этади (3-расм).

2010 йилда пахта хом ашёсининг ўртача сотиш баҳолари бўйича шарқий агрозона етакчи ўрин эгалламоқда. Ушбу агрозонада ўртача 1 тонна пахта хом ашёси сотиш нархи ўртача 1576 минг сўмни ташкил этмоқда. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, 1 гектар пахтадан ўртача даромад кўрсаткичи марказий ва шарқий агрозоналарда юқори даражада (мос равишда 1523 минг ва 1576 минг сўм). Агрозоналарда етиштирилган пахта хом ашёси бўйича соф даромад кўрсаткичлари шарқий агрозонада 368 минг сўмни, марказий агрозонада 188 минг сўмни ташкил этмоқда. Қолган агрозоналарда фаолият юритувчи фермер хўжаликлари пахтачилик бўйича йил зарар билан яқунлаганлар. Зарар даражаси шимолий агрозонада қолган шимоли-ғарбий ва жанубий агрозоналардагига нисбатан бирмунча юқори бўлиб гектарига 222 минг сўмга тўғри келмоқда. Шимоли-ғарбий ва

¹⁸ Наманган вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

жанубий агрозоналарда мос равишда 25 ва 22 минг сўмни ташкил этмоқда (5-жадвал)

5-жадвал

Наманган вилояти агрозоналарида фермер хўжаликларида пахта етиштириш самарадорлиги кўрсаткичлари¹⁹

(минг сўм)

№	Агрозонолар	2006 йил				2010 йил			
		1 тонна пахтанинг ўртача таннархи	1 тонна пахтанинг ўртача сотиш баҳоси	1 гектар пахтадан ўртача ҳаражат	1 гектар пахтадан ўртача даромад	1 тонна пахтанинг ўртача таннархи	1 тонна пахтанинг ўртача сотиш баҳоси	1 гектар пахтадан ўртача ҳаражат	1 гектар пахтадан ўртача даромад
1	Шимолий агрозона	352	342	720	700	476	383	1133	911
2	Шимоли-ғарбий агрозона	319	326	714	750	423	411	1111	1086
3	Шимоли-шарқий агрозона	329	339	736	758	566	515	1504	1367
4	Марказий агрозона	244	323	834	1029	455	373	1335	1523
5	Шарқий агрозона	245	320	803	1074	330	422	1208	1576
6	Жанубий агрозона	363	333	697	623	463	452	1003	981
Вилоят бўйича ўртача кўрсаткич		309	331	751	822	452	426	1216	1241

Иқтисодий диагностика мақсадларида кўрсаткичларни, яъни ахборот базасини танлаб олишда уларнинг қанчалик ишончли эканлиги, бошқачасига айтганда пухталиги эътиборга олиниши лозим. Шу нуқтаи назардан молиявий-иқтисодий диагностика биринчи навбатда расмий молиявий ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларга таяниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини қуйидагича аниқланиш мақсадга мувофиқ:

$$S = 0,10s_1 + 0,75s_2 + 0,40s_3 + 0,5s_4 + 0,25s_5$$

Бунда s_1 – фойданинг активларга нисбати;

¹⁹ Наманган вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

s_2 – ялпи тушумнинг ер майдонига нисбати (млн.сўм/га);

s_3 – фойданинг харажатларга нисбати;

s_4 – ўз капиталининг активларга нисбати;

s_5 – тақсимланмаган фойданинг жорий мажбуриятларга нисбати.

Моделни асослаш учун Косонсой туманидаги 30 та фермер хўжаликларининг молиявий ҳисоботлари кўрсаткичлари таҳлил этилди ва умумлаштирилди. Ушбу гуруҳга хос бўлган кўрсаткичларнинг ўртача даражаси барқарорликни нормал даражасини характерлайди деб олинди. Лекин моделда назарда тутилаётган фойда ҳажмини белгилаб олишда такрор ишлаб чиқаришнинг нормал эҳтиёжлари эътиборга олинди. Тўплам бўйича жами маълумотларга асосланиб ҳисоблаб чиқилган S кўрсаткичи даражаси 1,16 га тенг бўлди.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

1. Иқтисодий диагностика хўжалик субъектининг бугунги кундаги иқтисодий ҳолатини аниқлаш билангина чекланиб қолмай, хўжаликнинг барқарор ривожланишидаги молиявий, иқтисодий ва бошқарувдаги муаммоларни аниқлаш, келгуси даврларда хўжалик дуч келиши мумкин бўлган иқтисодий муаммоларни башоратлашни ҳам ўз ичига олади.

2. Фермер хўжаликларининг иқтисодий диагностикасини амалга оширишда қуйидаги тамойиллар назарда тутилиши лозим:

- хўжаликнинг иқтисодий ҳолатига баҳо беришда ва ундаги мўлжалланаётган ўзгаришларни тахмин қилишда назарий ва амалий иқтисодий фаннинг фундаментал қоидалари талабларига оғишмай риоя қилиш, шу жумладан ўрганилаётган жараёнларнинг моҳияти ва бир-бирига ўзаро боғлиқлигини эътибордан четга қолдирмаслик;

- Диагностиканинг комплекс характерга эга эканлиги ҳамда ўзаро бир-бирига узвий равишда боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизимининг қўлланиши;

- Иқтисодий маълумотларни диагностика мақсадларида таҳлилий қайта ишлашда ўрганиладиган ҳодисаларни гуруҳлаштириш ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларни миқдор ва сифат белгиларига қараб туркумлаш;

- Диагностика мақсадларида иқтисодий фаолиятни таҳлил қилишда таққослаш усулидан ички хўжалик резервларини асослаб бериш учун фойдаланиш;

- Диагностика натижаларида хўжалик фаолиятига оид илғор тажрибадан кенг фойдаланишни назарда тутиш;

- Иқтисодий диагностикани амалга оширишда ва хўжаликни бошқаришда ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳал қилувчи роли, уларнинг иқтисодий жараёнларни ўрганишда асосий ахборот манбаи эканлигига асосланиш.

3. Мамлакатимизда иқтисодий диагностикани олиб бориш учун зарур ҳисобланган меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин шу билан бирга, бу

борадаги мавжуд Қонунчилик ҳужжатларининг ишлаш механизмларини шакллантирилиши айрим жузъий камчиликлардан ҳоли эмаслигини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ночор ёки иқтисодий барқарорлиги тўғрисидаги хулосани беришнинг ягона методологик асоси ишлаб чиқилмаган. Демак, корхонанинг иқтисодий барқарорлиги тўғрисидаги хулоса аудиторнинг субъектив баҳолашига асосланади. Натижада хўжалик субъектининг иқтисодий барқарорлиги объектив тарзда ёритилмай қолади.

Диссертация ишида фермер хўжалик иқтисодий диагностикасининг минтакавий муаммоларини ҳал этишга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Фермер хўжаликларининг иқтисодий диагностикаси қуйидагича ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

- оралик ва пировард мақсадлар, ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, технологик босқичларнинг бажарилиши ва ишлаб чиқариш муддатларининг таҳлили;

- меҳнат ва моддий-техник ресурслардан фойдаланиш, меҳнат ва иш ҳақи бўйича режанинг бажарилиши, моддий ресурслардан фойдаланиш даражаси ва ресурслар харажатининг таннархга таъсири таҳлили;

- корхона молиявий ҳолати, сотишдан тушум, фойда ва рентабеллик ҳамда молиявий барқарорлик таҳлили.

2. Фермер хўжаликлар дуч келаётган муаммоларнинг асосий қисми барча турдаги қишлоқ хўжалик корхоналари учун умумий характердадир. Шунинг учун, уларнинг ечимлари ҳам корхоналарнинг барча турлари учун умумий равишда амалга оширилиши табиий ҳол. Худудий ҳал этилишидаги умумийликни қуйидаги мавжуд муаммоларда кўриш мумкин:

- қишлоқдаги ишсизлик ва ижтимоий инфратузилмалар ривожланиш муаммоси ва унинг бартараф этилиши зарурияти, қишлоқ аҳоли пунктларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши билан узвий боғлиқлиги;

- қишлоқ хўжалиги субъектларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сотилиши, маҳсулот таннархини пасайтириш зарурияти ва бу маҳсулот харид баҳолари қишлоқ хўжалик корхоналарининг етарли даражада фойда олишини таъминлаш лозимлиги;

- қишлоқ хўжалиги субъектларининг моддий-техника ресурслари билан таъминланиши мустақамлаш, қишлоқ хўжалигининг табиат билан, табиий-иқлимий ресурслардан фойдаланиш билан бевосита боғлиқлиги ва мавсумийлиги;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан давлатнинг молиявий ва солиқ сиёсатини доимий такомиллаштириб бориш, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тўлов қобилиятини тиклаш ва доимий равишда қўллаб туриш, ҳисоб-китоб механизмини доимий такомиллаштириш зарурияти.

3. Тадқиқотлар асосида ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичларга асосланган ҳолда фикримизча Наманган вилояти шароитида фермер хўжаликларининг оптимал ҳажми 40-60 гектардан иборат бўлиши мумкинлигини

кўрсатмоқда. Фикримизча, бундай хулосанинг замирида фермерлик билан шуғулланувчи мулкдорлар ихтиёридаги капиталнинг миқдори, уларнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш борасидаги кўникмалари, ресурслари таъминоти ҳозирги даражасида агротехник тадбирларни ўз вақтида олиб бориш имкониятлари ётади.

4.2007 йилда Наманган вилоятида фермер хўжаликлари ўртача ер майдони 17,9 гектарни туманларда эса 9,4 гектардан 30,7 гектаргача майдонни ташкил этди. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда фермер хўжаликлари ўртача ер майдонининг вилоят бўйича 45 гектарга етказилиши вилоятда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг қўшимча равишда 35,7 млрд. сўмга яъни 7,4 фоизга ортишига олиб келиши мумкин.

4.Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий аҳволини баҳолаш ва башоратлаш тамойиллари бошқа тармоқлардан кескин фарқланиши мумкин эмас. Шунинг учун бу борадаги умумий ёндашувлар қишлоқ хўжалиги учун ҳам аҳамиятлидир. Корхоналарнинг молиявий инқирозга юз тутишини олдиндан башоратлашга қаратилган тадқиқотлар ўтган асрнинг 20-йилларида АҚШда олиб борилган эди. Таъкидлаш лозимки, молиявий қийинчиликларни таҳлил қилишнинг асосий методлари ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Тадқиқотлар молиявий инқирозга юз тутган корхоналарнинг молиявий коэффицентлари барқарор ишлаётган корхоналарнинг коэффицентларидан фарқ қилишини кўрсатди. Корхоналар молиявий-иқтисодий аҳволини башоратлашдаги қўлланилаётган замонавий моделлар ҳам шунга асосланган. Жумладан, АҚШда Фулмер ва Спрингейт моделлари ишлаб ишлаб чиқилган ва уларнинг ишончилиги хўжалик амалиётида етарли даражада тасдиқланган.

5. Фикримизча, мамлакатимизда пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини қуйидагича аниқланиши мақсадга мувофиқ:

$$S=0,10s_1 +0,75s_2 +0,40s_3 +0,5s_4+ 0,25s_5$$

Бунда:

s_1 — фойданинг активларга нисбати;

s_2 — ялпи тушумнинг ер майдонига нисбати (млн.сўм/га);

s_3 — фойданинг харажатларга нисбати;

s_4 — ўз капиталининг активларга нисбати;

s_5 — тақсимланмаган фойданинг жорий мажбуриятларга нисбати.

6. Олиб борилган тадқиқотларимиз таклиф этилаётган молиявий-иқтисодий барқарорлик коэффицентидан амалий мақсадларда фойдаланиши мумкин эканлигини кўрсатмоқда. Коэффицент 2 дан юқори бўлса, фермер хўжалигини молиявий-иқтисодий барқарор деб қараш мумкин, унинг 1 дан пасайиб кетиши эса иқтисодий ночорликни ифодалайди.

7. Фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасини такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга иқтисодий диагностика ҳақидаги талабларни киритиш, яъни фермер хўжаликларини иқтисодий диагностикасини ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш, шу жумладан “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун, БҲМС ва АФМС ларида иқтисодий диагностикага талабларни акс эттириш;

- бухгалтерия ҳисобини иқтисодий диагностика эҳтиёжларига мувофиқлаштириб тузиш;

- хўжаликлар фаолияти молиявий назоратида, шу жумладан аудиторлик текширувлари олиб борилишида иқтисодий диагностикага алоҳида эътибор бериш уни тизимли олиб борилиши учун ахборот базасини яратиш, янгилаб бориш ва замонавийлаштириш;

-иқтисодий диагностикада интеграл кўрсаткичдан фойдаланишни ва унинг методикасини такомиллаштириб бориш.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Сирожиддинов К.И. Необходимость и основные направления финансовой диагностики фермерских хозяйств в условиях регионов // Двадцатые международные Плехановские чтения. Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях. – Москва, 2007. – С. 485-486.
2. Сирожиддинов К.И. Фермер хўжаликларини молиявий соғломлаштиришнинг долзарб масалалари // Ҳозирги замон географиясининг долзарб муаммолари. Халқаро илмий конференция материаллари. – Андижон, 2007. – Б. 219-221.
3. Сирожиддинов К.И. Фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий диагностикасида қўлланиладиган кўрсаткичлар // Аграр ислохотларни чуқурлаштириш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Андижон, 2007 йил. – Б. 18-20.
4. Сирожиддинов К.И. Применение современных методов в финансово-экономической диагностике фермерских хозяйств // Проблемы развитие и трансформации предприятия: опыт России и зарубежных стран. Материалы международной научно-практической конференции. – Москва, 2008. – С. 148-152.
5. Сирожиддинов К.И. Фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий диагностикаси // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2008.- № 7. – Б. 27.
6. Сирожиддинов. К.И. Фермер хўжаликларининг оптимал ҳажмларини аниқлаш // Барқарор иқтисодий ривожланиш: муаммолар, ечимлар. – Андижон, 2008. – Б. 207-210.
7. Сирожиддинов К.И. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий ахборот таъминоти // Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва соҳада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Гулистон, 2008. –Б. 107-109.
8. Сирожиддинов К.И. Фермер хўжаликлари фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2009. - №.1 –Б. 71-75.
9. Сирожиддинов. К.И. Молиявий-иқтисодий диагностика асослари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. -№ 5. -Б. 29
10. Сирожиддинов К.И. Фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасининг ҳудудий тафовутлари. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. -№1. –Б. 338-340.
11. Сирожиддинов К.И., Абдурахмонов Б.А. Фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари //Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Андижон, 2011. –Б. 235-237.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
К.И.Сирождиновнинг 08.00.04 – “Агросаноат мажмуи иқтисодиёти”
ихтисослиги бўйича “Фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасини
такомиллаштириш” мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: иқтисодий ҳолат, иқтисодий диагностика, молиявий коэффициентлар, агрозооналар, минтакавий хусусиятлар, агроиқлимий омиллар, молиявий ҳисоботлар, фермер хўжаликлари.

Тадқиқот объектлари: Наманган вилояти фермер хўжаликлари иқтисодий ҳолати.

Ишнинг мақсади: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Наманган вилоятида фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: мантикий ва қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, монографик кузатиш, ижтимоий сўров, математик ва статистик гуруҳлаш, график.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: фермер хўжаликларининг иқтисодий диагностикаси моҳияти, тамойиллари очиб берилган ва унинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи дастак эканлигини асосланган; Наманган вилояти фермер хўжаликлари иқтисодий ҳолатини баҳолаш, унинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш механизми кўрсатиб берилган; фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасининг ахборот базасини такомиллаштириш ишлаб чиқариш жараёнларини фаоллашуви механизми эканлиги асосланган; минтақада фермер хўжаликларининг оптимал кўламларини статистик ва математик статистик таҳлил усуллари орқали илмий жиҳатдан асосланган ва амалий таклифлар тайёрланган; иқтисодий диагностиканинг минтакавий хусусиятлари аниқланган; агроиқлимий, иқтисодий каби омилларнинг фермер хўжаликлари иқтисодий фаолиятига таъсири ўрганилган; фермер хўжаликларининг иқтисодий ҳолатини баҳолаш имкониятини берувчи интеграл кўрсаткич ишлаб чиқилган ва унинг ўлчамлари асосланган; Наманган вилояти фермер хўжаликларининг иқтисодий диагностикалаш муаммолари аниқланган ва унинг ечимлари таклиф этилган; фермер хўжаликлари иқтисодий диагностикасининг ахборот базасини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: диссертация иши натижаларидан тегишли вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа тегишли идоралар томонидан фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш борасидаги мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда, уларнинг узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот материаллари Наманган муҳандислик-педагогика институтида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” фанини ўқитишда, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Наманган вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган ҳамда фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермерлар уюшмаси, олий ўқув юртлиари.

РЕЗЮМЕ

Диссертации К. И. Сирождидинова на тему: «Совершенствование экономической диагностики фермерских хозяйств» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.04 – Экономика агропромышленного комплекса

Ключевые слова: экономическое состояние, экономическая диагностика, финансовые коэффициенты, агрозоны, региональные отличия, факторы агроклимата, финансовые отчеты, фермерские хозяйства.

Объекты исследования: Экономическое состояние фермерских хозяйств Наманганской области.

Цель работы: разработка научных рекомендаций и практических предложений по совершенствованию экономической диагностики фермерских хозяйств в условиях модернизации экономики.

Методы исследования: логический и сравнительный анализ, индукция и дедукция, монографическое наблюдение, социологический опрос, математический метод и статистические группировки, графический метод.

Полученные результаты и их новизна: раскрыты суть и принципы экономической диагностики фермерских хозяйств и ее роль в обеспечении экономического роста, определены своеобразные природный, социально-экономический потенциал и возможности развития фермерских хозяйств Наманганской области.

Выявлены механизмы оценки экономического состояния фермерских хозяйств, выявления и разработки путей решения проблем их развития.

Обосновано совершенствование информационной базы экономической диагностики фермерских хозяйств в качестве механизма активизации экономических процессов; научно-обоснованы оптимальные размеры фермерских хозяйств в регионе путем применения методов математического и статистического анализа и подготовлены практические предложения; раскрыты региональные особенности экономической диагностики; изучено влияние агроклиматических, экономических и других факторов на экономическую деятельность фермерских хозяйств; разработан интегральный показатель, позволяющий дать оценку экономического состояния фермерских хозяйств и научно обоснованы его параметры; изучены проблемы экономической диагностики фермерских хозяйств Наманганской области и предложены их решения; разработаны предложения по совершенствованию информационной базы экономической диагностики фермерских хозяйств.

Практическая значимость: результаты диссертационной работы могут быть использованы в разработке программ государственной поддержки развития фермерских хозяйств министерствами и ведомствами, в расчетах долгосрочных перспективных показателей, а также в оценке деятельности отдельных фермерских хозяйств.

Степень внедрения и экономическая эффективность: материалы исследования приняты для применения в преподавании дисциплины «Экономика сельского хозяйства» в Наманганском инженерно-педагогическом институте, а также для практического применения Министерством сельского и водного хозяйства и Наманганским областным управлением сельского и водного хозяйства.

Область применения: Министерства сельского и водного хозяйства, Ассоциация фермерских хозяйств, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of K.I.Sirojiddinov on the academic degree competition of the candidate of economic sciences on specialty 08.00.04 – “Economy of agro industrial complex” on subject: “Improving the economic diagnostics of farmers”.

Key words: economical condition, economic diagnostics, financial coefficients, agro zones, regional features, agro climate factors, financial accounts, farmers.

Subject of research: Financial condition of farmers in Namangan region

Purpose of work: Working out scientific offers and practical recommendations for the improvement of economic diagnostics of farmers in Namangan region in the period of modernization of economy.

Methods of research: regional and comparative analyses, induction and deduction, monographic observation, social questionnaire, mathematic and statistic grouping, graphics.

The results obtained and their novelty: Tendencies and conceptions of economic diagnostics of farmers were exposed and proved that it is main base of economic development; marking economic condition of farmers in Namangan region and mechanism of clearing and solving its problems was shown; proved that improvement of informational base of economic diagnostics of farmers is active mechanism of production process; optimal sizes of farmers in region were scientifically proved by methods of mathematic and statistic analyses and prepared practical recommendations; exposed regional features of economic diagnostics; studied the effect of agro climate, economic and other factors to economic activity of farmers; worked out the indicator that helps to mark the economic condition of farmers and its parameters were scientifically proved; studied the problems of economic diagnostics of farmers in Namangan region and offered their ways of solving; worked out recommendations on improvement of informational base of economic diagnostics of farmers.

Practical value: results of dissertation can be used in working out programs for state support of development farmers, in ministries and committees, in account of long lasting perspective factors and in marking the activity of farmers.

Degree of embed and economic affectivity: materials of research were accepted to use in teaching the subject of “Economy of agriculture” in Namangan engineering-pedagogical institute and in the ministry of agriculture and watering of the Republic of Uzbekistan and Namangan regional department of agriculture and irrigation.

Field of application: Ministry of agriculture and watering, association of farmers, higher educational institutions.

Тадқиқотчи: _____

